








2017 – 2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ПАРЛАМЕНТ НИГОҲИДА



Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори.

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, бюджет, солиқ ва пул-кредит сиёсатини иқтисодий фаолликни оширишга йўналтириш, рақобат муҳитини яхшилаш ҳамда хусусий тадбиркорлик раёқини таъминлаш, товар ва молия бозорларидаги монополияни босқичма-босқич камайтириш, давлатнинг иқтисодиётга таъсирини "кешиш" орқали самарали рақобат муҳитини яратиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Бундан ташқари, Бош вазир ўринбосарининг етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга қўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан ахбороти ҳамда "Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг фаолияти, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва зирининг кўп қавратли уй-жойларга хизмат кўрсатиш ҳолати, шу жумладан, бошқарув компанияларининг фаолияти юзасидан ахборотлари эшитилиши режалаштирилган.

ДИПЛОМАТИЯДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИНГ ЎРНИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Инсонлар ёки давлатлар ўртасида муштажам муносабат ўрнатилишида аёлларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлиги тарихдан яхши маълум. Масалан, ўзаро низо ва можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, исталган ҳақда эришиш бобида опа-сингилларимизнинг кўрсатган жасорати ҳақида барчамиз эшитганмиз ёки ўқганмиз. Бундан келиб чиқадиги, дипломатик аёлларнинг қонида бор, десак, муболага бўлмайди. Шу маънода, уларнинг ўзига хос сиполи, сабр-тоқат ва оқибат сингари фазилатларидан одамни одамга, давлатни давлатга, минтақани минтақага боғлашда фойдаланиш айни муддаодир.

Мушоҳада



Яқинда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Қирғизистонга ташрифи давомида эришилган натижалар мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Хусусан, Бишкекда икки мамлакатнинг 100 дан ортиқ ишбилармон аёллари иштирокида бўлиб ўтган "Қирғизистон — Ўзбекистон тадбиркор аёллари мулоқоти" бизнес форуми мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада кенгроқ рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлганлигини мамнуният билан қайд этиш ҳозир.

Олий Мажлис Сенати томонидан Қирғизистон Республикаси парламенти ва бир қатор халқаро тузилмалар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир ҳар бир иштирокчида унутилмас таассурот қолдириди. Хусусан, мазкур бизнес форумида Ўзбекистон хотин-қизлар делегацияси саноят, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалиги, енгил саноят, хунармандчилик каби иқтисодиёт тармоқларини қамраб олган эди. Жумладан, Андижондаги подшпиник ишлаб чиқарувчи йирик саноят корхонаси раҳбари Нодира Ҳакимова, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги тўқимачилик корхонаси директори Шаҳноза Саматова, Тошкент вилояти қурилиш индустриясининг етакчи корхоналаридан бирига рақобатлик қилаётган Сайёра Өргөшевва каби улкан қувватларни бошқараётган аёллар фаолияти уларда қатъи қизиқиш уйғотди. Айни чоғда биргина шу факторинг ўзи Ўзбекистон сўнгги йилларда гендер тенглик йўналишида эришган натижаларни ҳам намоён қилганлиги билан янада аҳамият касб этди.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Почта ва курьерлик алоқа хизматлари янада яхшиланади

Мажлисида "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси республикадаги почта алоқаси хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси ва жаҳон почта алоқаси хизматлари бозори ривожланишининг замонавий тенденцияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

«Прописка» тушунчасидан воз кечилади(ми?)

Шунингдек, мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Сир эмаски, "прописка" сўзи маънавий эскирган ва ушбу атамга фуқаролар онгда "тўқинлик қилувчи", "бир жойга боғланган", "эркинликни чекловчи" деган тушунчаларни келтириб чиқараётган эди.

Сайлов ва гендер: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ТУРКУМИДАГИ СЕМИНАРЛАР БОШЛАНДИ

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомқўжаев, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчиси К. Оболенский, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили М. Димовска, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г. Маруфова қатнашди. Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунга келиб, соҳага оид 25 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Олий Мажлис Сенати таркибиде Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши каби янги тузилмаларнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлашнинг ягона яхлит механизмга айланди.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

«Халқ сўзи».

